ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ПАХТА ЕТИШТИРИШДА РЕКОРДЛИ ЙИЛ БЎЛСИН

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17- йил чиқиши.

№ 12 (4259).

17 ЯНВАРЬ

ШАНБА

1970 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

В. И. ЛЕНИН — ЯНГИ ТИПДАГИ СИЕСИЙ АРБОБ, ОЛИМ, ПРОПАГАНДИСТ — НОТИҚ, КЕНГ ХАЛҚ ОММАСИНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИДИР. СОДИР БЎЛАЁТГАН ВОҚЕАЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ЧУҚУР ИЛМИЙЛИК, СИНФИЙ КУЧЛАРНИНГ НИСБАТИ ВА ЖОЙЛАНИШИНИ СЕРГАКЛИК БИЛАН ҲИСОБГА ОЛИШ, МАРКСИЗМ ПРИНЦИПЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ, ҲАРАКАТЛАРДА СОБИТ ҚАДАМЛИК, КУРАШ ТАКТИКАСИДА ЭПЧИЛЛИК, ПРОЛЕТАР ҲАРАКАТИНИНГ МАНФААТЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИДИР.

(КПСС Марказий Комитетнинг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига» Тезисларидан).



Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг Саид Сулеев бошлиқ звено аъзолари Мирзачўл районидаги Ленин номли совхоз коллективининг социалистик мажбуриятларига қўшилиб беш йилликнинг сўнгги йилида ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишди. Улар шу кунларда мавжуд техника воситаларини сифатли ремонтдан чиқариш учун ҳаракат қилишаяпти. Суратда: С. Сулеев тракторни ремонт қилаяпти.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

ШАҲАРЛИК БИРОДАРЛАРНИНГ ЮБИЛЕЙ ДАСТУРХОНИГА

Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг аъзолари эл дастурхонини турли ноз-неъматларга тўкин қилиш ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб туриш учун курашиб катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Барча совет кишилари сингари октябрчилар ҳам доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлашга аҳд қилиб яхши ташаббус кўрсатдилар. Улар Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси улуғ Ленин туғилган кун-22 апрелга, шаҳарлик биродарларимизнинг юбилей дастурхонига 50 тонна карам, 30 тонна редиска, 10 тонна сабзи, 25 тонна пиёз, 10 тонна лавлаги ҳаммаси бўлиб 125 тонна эртаги сабзавот маҳсулотлари етказиб беришга қарор қилдилар. «Октябрь» колхозининг азамат сабзавоткорлари ўз сўзларининг устидан чиқиш учун социалистик мусобақани кучайтириб, ғайрат-шижоат ва жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Октябрчиларнинг олижаноб ташаббуси кенг қанот ёйсин!

ТЕХНИКА РЕМОНТИ ТУГАЛЛАНДИ

Улуғвор беш йилликнинг тўртинчи йилини муваффақиятли якунлаган УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ деҳқонлари Мирзачўл районидаги В. И. Ленин номли совхоз пахтакорларининг ташаббусларига қўшилиб, бу йил пахтадан олинадиган ҳосилдорликни янада кўтариш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Ҳозирги кунда улар кўклами экиш кампаниясига тайёргарлик ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Улар техника ремонтини барвақт бошлаб, уни районда биринчи бўлиб тугалладилар.

Қисқа вақт ичида 19 та ҳайдов, 58 та чопиқ тракторлари, 25 та сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ремонтдан чиқарилди. Бу ишда механизаторлардан Шараф Ўрозов, Рўзибой Ботиров, Жўра Орипов, Қодирқул Аваз ов каби механизаторлар намуна кўрсатишди.

М. ХАНАЕВ.

УСТАВ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Об-ҳаво ноқулай келган ўтган қишлоқ хўжалик йилида Ўрта Чирчиқ районидаги илғор Терешкова номли колхоз аъзолари чинакам қаҳрамонлик, жасорат намуналарини кўрсатдилар. Улар пахта далаларида астойдил меҳнат қилиб, механизация кучидан тўла ва унумли фойдаланиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Гектардан олинган ҳосил 27,2 центнерданга тўғри келди. Давлат топшириғи 114,4 процент бажарилди. Бу рақамлар ҳамманинг дилини хушнуд қилади.

Агар биз йиллик ҳисобот ҳужжатларига разм ташласак, хўжаликнинг ўтган йили қўлга киритган ютуқлари яққол кўзга ташланади. Барча ишлаб чиқариш тармоқлари чуқур анализ қилинган. Тайёрланган ва сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кассага тушган соф фойда, колхозчиларга тақсимланадиган даромад ҳаммаси ойнадек равшан кўрсатиб берилган. Бу колхоз бош бухгалтери Ўртоқ М. Каримов ва унинг ишчан ёрдамчилари катта хизматлари самарасидир. Улар ҳисоб-китобни тўғри ва аниқ юритишнинг усталари бўлганликлари учун ҳам районда биринчи бўлиб ҳисоботни тайёрладилар.

Район ижроия комитетининг қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбарлари ҳисоботни кўриб чиқанларидан кейин колхозчиларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига қўйилди. Ҳар бир пахтакор, чорвадор ва галлакор, сабзавоткор ва пиллакор ўз меҳнатининг натижасини, шунингдек колхоз бўйича эришилган муваффақиятларни билишга қизиқар эди. Шунинг учун ҳам ҳисобот йиғилишида катта зал меҳнат аҳли билан ғиж тўлди.

Ўтган йилнинг якунлари тўғрисида колхоз раиси Умри Ҳасанова ҳисобот берди. У қарийб етти йилдан бери мана шу хўжаликка раҳбарлик қилиб келмоқда. Меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлашда илғор тажрибаларни кенг жорий этилишига катта эътибор бермоқда. Хўжалик эса ҳосилдорликни йилдан-йилга ошириб, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўтган йили умумий даромад 1968 йилдагига қараганда 25 минг сўмга кўпайди. Ҳар бир ишчи кунига ўрта ҳисобда тақсимланадиган пул 5 сўм 19 тийинданни ташкил этди.

Раис У. Ҳасанова ўз докладида ана шулар ҳақида сўзлар экан, колхозчиларнинг ўз меҳнатлари самараларидан мамнун эканликлари сезилиб турарди. Докладчи ютуқлар билан бир қаторда ҳали фойдаланилмаётган ички имкониятлар, йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида гапириб, ана шу нуқсонлар ўтган йили ҳозир айтиб ўтилганидан ҳам кўра юқорироқ кўрсаткичга эришишга имконият бермаганлигини таъкидлади.

Колхозда донгдор звено бошлиқларидан С. Усмонов, С. Саидғозиевларнинг номларини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Бу звеноларда хўжалик бўйича энг юқори кўрсаткичга эришилди. Гектардан олинган ҳосил 32—35 центнерданга тўғри келди. Бу звеноларда ҳосил-ку баракали бўлди. Хўш, меҳнатга ҳақ тўлашда қандай тафовут бор. Раис бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди.

Мана, бир мисол. Ўртоқ Саидғозиев бошлиқ звено ҳосилдорликда иккинчи ўринни эгаллаган бўлса ҳам қўшимча ҳақ олишда биринчи ўринга чиқди. Қандай қилиб? Ҳамма гап пахтани сифатли топширишда. Мана шунинг ўзи катта иқтисодий эффект беради. Бу звенода 94,2 процент ҳосил биринчи сортга қабул қилинди. Ҳосилдорликда биринчи ўринни эгаллаган Ўртоқ Усмонов звеносида эса 86,6 процентни ташкил қилди. Негаки, бу звенода биринчи ёмғирдан кейин «зангори кема» лардан яхши фойдаланилмади. Қўл теримига зўр берилди. Кечикиб терилган пахтанинг сорти пасайиб кетди. Ўртоқ Саидғозиев ва унинг ўртоқлари 95 процент пахтани машиналар ёрдамида териб олдилар. Агар бошқа звеноларда ҳам шундай қилганида эди, янада қувончли натижа олинган бўларди.

Шундай. Пахтанинг сорти пасайганлиги хўжалик иқтисодига анча таъсир этди. Агар 1968 йилда ялпи ҳосилнинг 90—95 проценти биринчи сортга қабул қилинган бўлса, ўтган йили биринчи сортга топширилган пахта 77 процентдан ошгани йўқ. Анчагина ҳосилни тўртинчи сортга топширишга тўғри келди.

— Мана, нима учун илғор Усмонов звеноси мисолида машина теримига етарли эътибор берилмаганлиги сабабли ортиқча ҳаражатга йўл қўйилганлигини кўриб турибсиз, — деди раис, — ўртоқ Садиғозиев звеносида бўлса ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам машина терими планини ортиғи билан бажариш мумкинлиги исбот этилди.

У. Ҳасанова Ҳаким Саидғозиев звеносининг баҳорги, экиш даврида, пахта йиғим-теримида об-ҳаво қийинчиликларини енгиш учун олиб борилган кураш тажрибалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Ҳақиқатга кўчиш керак, Ҳамма звено бошлиқлари ҳам бир хилда ишламади. Айримлари қийинчиликлар олдида эсанкираб қолишди. Ғўзани сифатли парвариш қилишларни ўз вақтида назорат қилиб туришлари керак.

Умумий йиғилиш колхознинг янги Уставини қабул қилди. Уставга биноан колхозчиларнинг томорқаси 15 сотих бўлади. Шахсий моллари белгиланган миқдорда бўлиб, колхозчиларнинг меҳнат фаолиятига зарар етказмаслиги керак. Шунингдек, янги Уставга мувофиқ колхозда ишчи куни тартиби жорий этилди. Дам олиш кунлари белгиланди. Ҳар йили ҳақ тўланган ҳолда меҳнат отпускаси берилади.. Колхознинг ички тартиб-интизомига қатъий риоя қилинади. Эркаклар учун бир йилда минимум 240 ишчи куни, аёллар учун 225, кўпболали аёллар учун 150 ишчи куни белгиланди. Меҳнат отпускаси колхоз раҳбарлари ва бош мутахассислар учун 30 кун, механизаторлар учун уч ҳафта, колхозчилар учун икки ҳафта миқдорида белгиланди.

Умумий йиғилиш колхоз қурилишининг актив иштирокчилари, ветеранларидан бир группасига «Хизмат кўрсатган колхозчи» деган фахрли ном берди. Ишлаб чиқаришда 30 йил ва ундан ортиқ ҳалол меҳнат қилган У. Жумабоев, Ю. Юнусов, Г. Қулмуҳаммедов, С. Қорабоев, С. Шодиев, Т. Маҳкамова, Г. Нурматова ва Х. Абдураупов ўртоқлар ана шундай номга эга бўлдилар. Уларнинг номлари колхознинг фахрий олтин китобига ёзилади.

Колхоз аъзолари партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленуми, колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди қарорларидан илҳомланган ҳолда улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги — юбилей йилида янада унумли меҳнат қилишга, пахта ҳосилдорлигини 280 тоннага кўпайтиришга, давлатга дон, ғўшт, сут, жун, пилла сотишни янада кўпайтиришга қарор қилдилар. Зиммага олинган социалистик мажбуриятлар колхознинг ҳисобот йиғилишида бир овоздан қабул қилинди.

Терешкова номли колхоз ўсиб, юксалиб бормоқда. Иқтисодий жиҳатдан ана шундай мустаҳкамланиб, деҳқонлар тўқ ва фаровон, маданий ҳаёт кечирмоқдалар. Хўжалик йилдан-йилга равнақ топмоқда.

М. ДУБИНСКИЙ.

КОЛХОЗДА ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШИ

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ЗАФАРИ

Бу йилги қиш чорвадорлар учун кўнгилдагидек келмоқда. Шунинг учун ҳам колхаз чорвадорлари чорвачиликда янги ютуқларни қўлга киритяптилар. Юбилей йили меҳнат вахтасида тўриб ишлаётган ферма бўрдоқи боқарлари яқинда катта ютуқларни қўлга киритишди: давлатга ғўшт сотиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди.

Бўрдоқига боқилган 156 бош мол молбоқарларнинг меҳр билан парвариш қилганликлари орқасида 200 килограмм вазнда 300—350 килограммга семирди. Молларнинг қисқа муддатда бундай семириши ҳар куни ширали озуқалар билан парвариш қилинганлиги туфайлидир. Натижада ғўштга топшириладиган сўқимлар фақат аъло сортларга қабул қилиниди. Колхоз молбоқарлари бугунги кунда давлатга 400 тонна ўрнига 42 тонадан ошириб аъло сифатли ғўшт топширдилар.

Молларни мана шундай семиз ва соғлом қилиб парваришлашда бўрдоқибоқарлардан Калас Ғаффаров, Исмоил Абдукодиров, Рўзмат Мирзаёқубовларнинг хизматлари катта бўлди. Колхоз чорвадорлари учун анча огир келган ўтган хўжалик йилида ҳам ферманинг моҳир сут соғувчилари ғайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилганликлари орқасида сут топшириш йиллик планини анча ошириб адо этган эдилар, яъни, йил охирида қабул пунктларига пландаги 473 тонна ўрнига 484 тонна серқаймоқ сут топширилди. Сутнинг ёғлилик даражаси 3,5—4 процентни ташкил қилди.

Маҳсулот миқдори бундай ортиб боришига асосий сабаб — ферма чорвадорларининг жонқуяр, меҳнатсевар ва тажрибалилигидадир. Молларни рацион асосида тўйимли озуқалар билан боқишади, орзуқанинг бекорга исроф бўлишига йўл қўйишмайди.

Тажрибали сут соғувчилардан Муҳаббат Олимова, Лазокат Норматова, Озода Одиловаларнинг унумли меҳнатлари туфайли хўжалик бирғина сут топширишдан 3,5 мингдан зиёдроқ соф фойда олди.

Давлатга ғўшт сотиш ҳам чакки эмас. Ўтган йили қабул пунктларига 43 минг 100 килограммдан зиёдроқ аъло сифатли ғўшт топширган бўрдоқибоқарлар 3 минг сўмдан кўпроқ соф фойда олдилар.

Колхоз чорвадорлари юбилей йилини меҳнатда катта муваффақиятлар билан якунлаш учун пухта ҳозирлик кўрдилар. Йил бошиданоқ молларга етарли ем-хашак базаси бунёд этилди. Чорвадорлар бу йилги қишловга 3200 тонна силос, 1200 тоннага яқин дағал хашак, 800 тоннадан ортиқ лавлаги ҳозирлаб қўйганлар. Ҳозирги кунда улар қишловни намунали ўтказмоқдалар.

Азамат чорвадорларнинг бу йилги ишларига муваффақият тилаймиз.

А. ҲУСАНОВ,

Калинин районидаги Собир Раҳимов номли колхоз.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҲАМЗА. Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш район бўлими экономисти Галина Несмиянова телефон орқали редакциямизга хабар қилди. У белгиланган барча участкаларда ҳисобчиларнинг активлик билан ишлаётганликлари, рўйхатга олиш қизғин давом этаётганлиги ҳақида маълумотлар берди.

Райондаги ўртоқ М. Орипов мудир бўлган 5, С. Боронин, А. Бурцев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган 1 ва 2-рўйхатга олиш бўлимлари айниқса намуна кўрсатмоқдалар. Зилзиладан кейин бунёд этилган Янгиобод массивида ҳисобчилардан Л. Звенова, С. Пўлатова, В. Золотова, Л. Ниёзова ўртоқлар кечаги куннинг ўзида ўнлаб хонадонни рўйхатга олдилар. Улар ўзларига топширилган шарафли вазифани сидқидиллик билан ўтамоқдалар.

— Ҳисобчиларимиз,— дейди Галина Несмиянова рўйхатга олиш ишларини пухта эгаллаганлар. Бу соҳада ноаниқликларга йўл қўймаслик учун курашмоқдалар.

ТЎЙТЕПА. Ўрта Чирчиқ район халқ маорифи бўлимининг инспектори ўртоқ Ҳаким Умаров аҳолини рўйхатга олишда касбдошлари орасида намуна кўрсатмоқда. У Тўйтепа поселкасидаги Ленин номли кўча аҳолисини рўйхатга олишни тугаллаяпти. Районнинг барча бўлимларида ҳам ҳисобчилар рўйхат бланкаларини эртароқ ва аниқ тўлдириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Охунбобоев номли, Ленин номли, «Полярная звезда», Терешкова номли колхозларда ҳам аҳолини рўйхатга олиш ишлари жуда яхши ташкил этилган. Бу соҳага ажратилган инструкторлар, ҳисобчилар хонадонларда бўлганларида кишиларнинг ёшлари, вазифалари, маълумотларини аниқ олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Шундай, районнинг барча хўжаликларида, кўчаларида рўйхатга олиш қизғин давом этаяпти.

Оржоникидзе район, Чинобод қишлоқ Советидаги аҳолини рўйхатга олиш 7-бўлимининг инструктор-контролёрлари ва ҳисобчиларн (чапдан ўнгга) Ғаффор Абдуазимов, Аҳмад Ёқуббоев ва Ортиқ Нодиров ўртоқлар ўз участкаларидаги кишиларни рўйхатга олиш учун йўл олишмоқда.

(ЎзТАГ).

ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Москвада 1970 йил 14—15 январда Европа мамлакатларидан 28 та Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Бельгия Коммунистик партияси, Болгария Коммунистик партияси, Буюк Британия Коммунистик партияси, Венгрия Социалистик ишчи партияси, Германия Бирлашган социалистик партияси, Герман Коммунистик партияси, Германия Коммунистик партияси, Ғарбий Берлин бирлашган Социалистик партияси, Греция Коммунистик партияси, Дания Коммунистик партияси, Ирландия ишчи партияси, Шимолий Ирландия Коммунистик партияси, Испания Коммунистик партияси, Италия Коммунистик партияси, Кипр меҳнаткаш халқ прогрессив партияси, Норвегия Коммунистик партияси, Польша Бирлашган ишчи партияси, Португалия Коммунистик партияси, Румния Коммунистик партияси, Сан-Марино Коммунистик партияси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Туркия Коммунистик партияси, Финляндия Коммунистик партияси, Франция Коммунистик партияси, Чехословакия Коммунистик партияси, Швейцария меҳнат партияси, Швеция Коммунистлари—сўл партияси, Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитетларининг вакиллари қатнашдилар.

Учрашув иштирокчилари Европа қитъасида коллектив хавфсизлик ва тинчлик проблемалари хусусида фикрлашиб олдилар. Улар В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллиги муносабати билан ўзлари ўтказаётган тадбирлар тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар.

Учрашув ўртоқларча ҳамкорлик руҳида ўтди.

ЛЕКТОРЛАР МАКТАБИНИНГ НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТИ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва «Билим» жамияти область ташкилоти ҳузуридаги хотин-қиз лекторлар маҳорати мактабининг юбилей йилидаги биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Мактаб раҳбари, педагогика фанлари кандидати Ж. Ҳасанбоев тингловчиларга КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига» Тезисларини кенг омма ўртасида тарғиб қилиш йўллари ҳақида гапириб берди.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати Т. Абдуллаева ўз суҳбатини «В. И. Ленин ва ҳозирги ўзбек қишлоғининг турмуш маданияти» деган мавзуга бағишлади. Олима ўзбек хотин-қизларининг совет замонасида эришган фаровон ҳаёти, турмушимиздаги янгича одатлар, анъаналар ҳақида гапирди. Шу билан бирга коммунистик ахлоқимизга ёт бўлган эскилик сарқитларига қарши кураш вазифаларига тўхталди.

Педагогика фанлари кандидати Н. Валиеванинг суҳбат мавзуи «Севги ва оила» деб аталди. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг катта ўқитувчиси Ғ. Шокиров «Космосни ўзлаштириш ва ёшлар» деган мавзуда сўз юритди.

Икки йилга мўлжалланган бу маҳорат мактабида турмуш маданияти ва ёшларни юксак ахлоқий принципларга руҳида тарбиялаш масалалари кенг ўрганилади. Тингловчилар машғулотларда ўз малакаларини ошириб борадилар. Бу эса уларга жойларда мазмунли ва таъсирчан лекциялар ўқишларида ёрдам беради.

Суратда: лекторлар маҳоратн мактабининг навбатдаги машғулотида. (ўнгда) — педагогика фанлари кандидати Т. Абдуллаева лекция ўқимоқда.

А. Абалян фотоси.

КУБА ТЎҚИМАЧИЛАРИГА

«Таштекстильмаш» заводининг коллективи 1970 йилда янги харидор—Куба Республикасининг биринчи заказини бажаришга киришди.

Корхона коллективи бу йил озодлик ороли тўқимачилари учун хом ип тайёрлаб берадиган тўққизта машина ишлаб чиқариши керак. Бу машинада йилига олти миллион метр газлама ишлаб чиқариш учун етарли ип тайёрлаш мумкин.

Ҳозирги вақтда «Таштекстильмаш» маркаси жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги тўқимачиларга маълум. Шу корхонада тайёрланган машина-ускуналарни Осиё, Африка, Европа ва Америка мамлакатларида учратиш мумкин. Завод ўз маҳсулотини экспорт қила бошлагандан буён ўтган йиллар ичида ҳеч қандай шикоят олмади. Корхона совет машиналарининг аъло сифати тўғрисида кўп тақдирномалар олди. Бундай тақдирномалар Чехословакия, Ҳиндистон, Польша, Корея Халқ Демократик Республикаси ва бошқа кўп мамлакатлардан олинди.

(ЎзТАГ).

ЭЛГА ХИЗМАТ ОЛИЙ ҲИММАТ

Эл бойлиги «оқ олтин»дан ҳар йили юқори ҳосил олиб, эли-юрт олдида юзи ёруғ бўлиб келаётган Оққўрғон районининг деярли барча колхоз ва совхозлари қишлоқларни ободонлаштириш, кўркамлаштириш ишларига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Турар-жой ва жамоат бинолари қўплаб қурилмоқда. Ҳозир тўқ ва бадавлат ҳаёт кечираётган колхоз аъзолари, совхоз ишчилари хонадонларини кўрсангиз, дилингиз хушнуд тортади. Радиоприёмник, телевизор ишлаб турибди. Ильич чироқлари порлаяпти. «Зангори олов»дан фойдаланишяпти.

Шундай. Турмуш тобора фаровонлашаётгани сари деққопларнинг маданий-маиший хизматга бўлган талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда. Ана шуни яхши тушунган район раҳбарлари бу соҳада қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Район маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари ишчи ва хизматчилари пахтакорларнинг, чорвадор ва ғаллакорларнинг эҳтиёжларини ўрнига қўйиш учун курашмоқдалар.

— Районимизда, — дейди комбинат директори ўртоқ Л. Погасян, — маиший хизматдан фойдаланмаётган бирорта ҳам хонадон йўқ, десак бўлади. Ҳозир колхоз ва совхозларда янгидан маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари кўплаб ташкил этиляпти. Шунинг натижасида ўтган йили бизга берилган топшириқни ортиғи билан бажаришга эришдик. Йиллик пландаги 800 минг ўрнига 1 миллион 34 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди.

Ўртоқ Л. Погасяннинг айтганлари тўғри эканлигини шундан ҳам билса бўладики, ўтган йили Кўрғонтепа қишлоғи марказида олти ўринли, Ленин номли колхозда 12, Ҳамза номли колхозда 8 ўринли тикув-бичув артели ишга туширилди. Янгидан сартарошхона ва этикдўзлик дўконлари қурилди. «Победа» ва Энгельс номли колхозларда икки хил маиший хизмат кўрсатиш дўконлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Солдатское қишлоғида прокат пункти, шоли тегирмони қурилиши ниҳоясига етай, деб турибди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» ва С. Сегизбоев номли совхозларда сим тўр тўқиш цехлари иш бошлади. Алимкент қишлоғи марказидаги етти турдаги маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари аҳолига яхши хизмат кўрсатмоқда. Айниқса «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидаги тикув артели аҳолига хизмат кўрсатишда намуна бўлмоқда. Бу артель ойлик ва квартал планларини доимо 120—130 процент адо этиб келяпти.

Элга хизмат — олий ҳиммат, деб ана шунисига айтадилар. Оққўрғон район колхоз ва совхозларн меҳнаткашлари олийҳиммат кишилардан мин натдорлар.

Г. ТОЖИБОЕВ.

ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ УҚИШГА ҚИРИШДИЛАР

Ўзбекистондаги совхоз директорлари ва колхозларнинг раислари ўз малакаларини ошириш учун икки ойлик курсларга тўпланишди. 150 хўжалик раҳбари Тошкент қишлоқ хўжалик институтида шуғулланмоқда. Республика қишлоқ хўжалигининг етакчи мутахассислари ва олимлар уларга лекция ўқимоқдалар.

Хўжаликларнинг раҳбарлари ўқиш даврида хўжалик ҳисоби ва пландаштириш ҳамда рағбатлантиришнинг янги формаси, янги техника ва янги илмий тавсияларни жорий қилиш масалалари ҳақида лекция тинглайдилар. (ЎзТАГ).

(ХАТЛАРНИ ЎКИБ)

ШИФОБАХШ ҚЎЛЛАР

Дард кўрмагандек бўлиб соғайиб кетган бемор ўз шифокорига қалб ташаккурини айтади. «Қўлингиз сира» дард кўрмасин, ҳамиша соғ-саломат бўлинг» деб унга ҳам яхши истаклар тилайди.

Ҳақиқатан ҳам шифокорлик—шарафли касб. Инсон саломатлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган жуда кўплаб шифокорларимиз борки, уларнинг жонкуярлиги ва меҳрибонлигидан ҳамма миннатдор. Оқкўрғон районидаги Алимкент посёлкасида жойлашган шифохона хирурги А. Қаршибоев ҳам ана шундай ишчан врачлардан. Унинг қўлида кўпгина бемор шифо топди. «Унинг ширинсуҳанлиги ва камтарлигини айтмайсизми, деб ёзади газеткон **А. Қодиров.** Яхши сўзи билан ҳам у кишиларни даволайди».

Янгийўллик шифокор Х. Турсунова ҳам ўз касби-корини эъзозлаб келмоқда. Уни қишлоқда «Ҳалима доктор» деб чақиришади. Газетхон **А. Эшонхўжаева** шифокорнинг ажойиб фазилатлари ҳақида фахрланиб ҳикоя қилади.

Газетхон **А. Каттабеков** ўз мақоласига «Дил ташаккурим» деб сарлавҳа қўйибди. Бу мақола орқали ўз шифокорига катта миннатдорчилик билдиради. Тошкентлик хирург О. Исмоилов, врачлардан Х. Акрамов, А. Абдуқодировлар уни даволадилар. Ҳозир у Тошкентдаги мева-сабзавотчилик техникумида таҳсил кўряпти.

Редакциямизга келган «Камтарин шифокор», «Дала доктори», «Эл севган врач», «Раҳмат сизга, азизлар», «Меҳрбон шифокорлар», «Ҳаёт посбонлари», «Миннатдорман», «Тиниб-тинчимас шифокор» сарлавҳали мақолалар ҳам инсон сиҳат-саломатлиги йўлида жон фидо қилаётган врачлар тўғрисида ёзилган. Бу хатларнинг муаллифлари **Т. Суяров, Б. Худоёров, У. Тўлаганов, П. Эргашев, З. Абрагимова, А. Подшохўжаев, Х. Тошматов, И. Ғаффоров, Ш. Умаров, А. Эгамназаров,** Ш. Умаров, А. Эгамназаров, Х. Тошматов, И. Ғаффоров, З. Абрагимова, А. Подшохўжаев ўртоқлар эл севган оқ халатли меҳрибонларимизнинг шу кунларда олиб бораётган ибратли ишлари ҳақида ҳикоя қилишади.

Мана бу хатлар ҳам илиқ ва самимий сатрларга тўла. **Х. Эшназаров** Қибрай станцияси яқинида жойлашган шифохона врачлари меҳнатини улугласа, **К. Мусамуродов** тажрибали шифокор Сафо Муродовнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида ёзади. Моҳир врач Ҳасан Қаюмовнинг Келес станцияси амбулаториясида олиб бораётган ибратли ишларини газетхон **Т. Жўраев** қаламга олган бўлса, Ангрендаги 1-шаҳар поликлиникаси меҳрибонлари тўғрисида **М. Юнусов** бизга хабар қилади.

Редакциямиз «Шифокорлар ҳиссаси» (**Т. Омонов**), «Хизматга ҳозирмиз» (**П. Эргашев** «Хуш келибсиз!» (**Е. Мордухоев**) сарлавҳали материалларни ҳам олди. Бундан ташқари редакциямизга хат йўллаган газетхонлардан **Н. Масидиқов** (Оҳангарон), **Н. Хусанов** (Тошкент), **Ш. Холмуҳамедов** (Ўрта Чирчиқ)лар ҳам аҳолига намунали медицина хизмати кўрсатаётган шифохоналар ишлари ҳақида тўхталишган.

НОВАТОР

Смена тугади. Корхонанинг узун йўлагида ишчилар шошилишади. Ҳикмат гўё фикрлари дув тўкилиб кетгудай эҳтиёт бўлиб борарди. Сувини шокила қилиб отаётган фонтан ёнидан ўтиб кўча томон йўналди. Катта кўчага чиққанда фикрлари борган сари бутун қалби, вужудини эгаллаб олди.

Ҳикмат биринчи бор рационализаторлик таклифи ҳақида ўйлаётгани йўқ. У Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводида катта мастер бўлиб ишлаб юрган кезларида ўнлаб таклифлар киритган. Улар ҳам осонликча бўлмаган эди. Кўп изланиш, қидириш ишонч унга ҳамдам бўлди, Лекин бу галгиси узоқ ва залварли кўринарди. Иш шунчалик кўп ҳисоб-китобни талаб қилардики, жилла бўлмаса хоманисини ишлаб чиқмай бировга айтиб бўлмасди.

Ўтган йилги оғир киш Тошкент электр-иссиклик маркази коллективининг тинкасини қуритиб қўйёзди. Ахир Тошкентдай азим шаҳарнинг 80 процент уйи, корхоналари, маданий-маиший муассасалари ва бошқа биноларини иситиш ва уларга иссиқ сув етказиб бериш шу коллективнинг зиммасига юкланган-да. Бу ҳазилакам иш эмас. Шунинг учун корхонада баҳорданоқ кишга тайёргарлик кизғин тус олди. Ҳикмат Бегалиев ҳам бу ерга ремонтчи уста бўлиб ишга кирганига эндигина бир йилдан ошганига қарамай умум ишига арзирлик ҳиссасини кўшди.

Бир воқеа ўни кўп ўйлантирди. «Ўзбекэнергоремонт» устларининг ишини ёзатгани ўтди. Уч каватли конъектив-пучок биландек келадиган беҳисоб трубалар комплектидан иборат. 30 тонналик трубалар ўрами ҳар мавсумда алмаштириб турилади. Шундай қилинмаса, труба иш вақтида дариз кетса ё тешилиб қолса унинг ташвиши ярим йилга чўзилади, деяверинг. Кўтарма кранлар-у, йигирмалаб киши бунга овора бўлади.

Ҳикмат трубалар ўрамига ачинди. Чунки унинг армидан кўпроғи ишга ярайди. Ун ё йигирма трубани деб бутун 30 тонналик секцияни олиб ташланса ачинмайдими, ахир. «Яхшиларининг ўзи қолдирилса бўлмаемикин?» беихтиёр миясига келган бу фикрини ремонтчи йигитга айтди.

— Бўлмаса керак.

— Нега энди?

— Балки мумкиндир, аммо бир дунё ҳисоб-китоб керак бунга.

Ҳикматга шу илинж керак эди. Янгилик осонликча туғилармиди?! — Шу-шу у ремонтчиларнинг атрофида парвона бўлди. Кечқурунлари уйга борди дегунча таннаввул қилар-қилмас китоб ва ваттман қоғоз устига мукка тушарди. Ўзоқ юрган сариг юкинг оғирлашгандай, аввалига унчалик мураккаб кўринмаган нарса борган сари чувалашиб борарди. Дастлабки кунлардаги фикрлари чалкашиб кетди. Кунлар кетидан кунлар кувалашиб ўта берди. Қанча ватман қоғозини қоралади. Кўп китоб ўқиш унинг фикрини ниҳоят ойдинлаштира бошлади. Бир талай хомаки эскизлар ўрнини ягона ҳисоб китоб эгаллади. Уни техника бўлимига кўрсатди.

Бир куни Тошкент электр-иссиқлик марказининг директори Нусратилла Убайдуллаев уни йўклаб қолди. Ўзи билгандай рационализаторлик таклифи хусусида экан. Директор илиқ кутиб олди.

Таклифингизни эшитиб хурсанд бўлдим — гап бошлади директор мамнунлик билан. — Жуда яхши. Ажойиб ташаббус кўрсатибсиз. Энг муҳими ишчи кучи билан вақтдан ютамиз. Тезроқ ишлаб чиқаришга тадбиқ этишингизда ёрдамимизни аямаймиз.

Шундан кейин директор эскизни қолдириб кетишни сўради.

Рационализаторлик таклифлари бўйича инженер В. Партновнинг айтишича «Сув иситувчи қозонлардаги конъектив ўрамларини ремонт қилишнинг янги усули» кейинги йиллардаги энг қиммати таклифлардан бири бўлиб, бир йилда сал кам эллик минг сўмлик харажатни тежаб қолиш имконини беради. Айниқса, ишчи кучининг 3—4 баробар тежалиши нур устига нур бўлди.

Ҳикмат Бегалиев ҳақидаги гапларни ана шу инженер йигитдан эшитдик. Суҳбатимиз охирлашиб қолганида у:

— Ҳикмат билан бир гаплашинг, — деди. — Яхши йигит, Айни муддао бўлади.

У хизмат қиладиган техника бўлимига кирдик. Кираверишда ён томондаги столда кўзойнакли, тўладан келган аёл алланималарни чизиб ўтирарди.

— Цехга чиқиб кетган, — жавоб берди аёл сўроғимизга.

Цех томон йўналдик. Бўйи бир терак келадиган баланд-баланд қозонлардан вишиллаб овоз чиқарди.

Ҳикмат Бегалиев ана шу ерда экан. Қозонлар атрофидаги айланма зиналар билан юқорига кўтарилдик. Худди тоғ сўқмоғидан чиқаётгандай эдик. Ҳикмат йўл-йўлакай трубаларни қандай кесиш, пайванднинг қай тарзда бўлиши кераклиги, 30 даражалик босимда жараён қандай бўлиши ва шу қабиларни шундай берилиб сўзлардики, бундан ўз касбини қандай севишини сезиш қийин эмасди. У қатъий ишонч, журъат билан сўзларди. Суҳбатимиз тугаб, хайрлашар эканмиз, ёш ва тадбиркор Ҳикмат Бегалиевнинг ишбилармонлиги, билимдонлиги кўз олдимиздан кетмасди.

Б. ПЎЛАТОВ.

БЕШЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Ингит директорга маъқул тушиб қолди. Гаплари бамаъни, фикрлари теран. Илгари таниши-ку, лекин бунчалик мушоҳазали ва билимдонлигини билмасди. У корхонанинг пасти-баландини энди ўзлаштира бошлаганига қарамай бир неча рационализаторлик таклифи билан чиққан. Жумладан, канализация суви йўлини ўзгартириш ҳақидаги таклифи катта унум берди.

Чиқинди сув йўли кабель ва иссиқлик йўли тармоқлари билан ёнма-ён ётқизилган эди. Канализация сувига ифлос тўпланиб қолса ёки сув кўпайиб кетса иссиқлик кабель тармоғи йўлига тошиб, ҳар ойда неча бор кўлни тутарди. Сув тошиши деб озмунча материал, ишчи кучи исроф бўлармиди? Ҳикмат бунинг йўлини топди. Канализация йўлини бошқа томонга солиб юборишни таклиф этди. Илгари ишлаб чиқариш биносининг 60 метр майдони айланиб чиқса, энди у атиги 16 метрлик йўл билан умумий канализацияга улаб юборилади. Бирор метр ҳам кабель исроф қилинмайдиган бўлди.

Бу албатта ремонтчи уста Ҳикмат Бегалиев ташаббусидан кичик бир мисол. Бундай воқеалар унинг ҳаётида кўп бўлган. Мана бугун у кўл урган яна бир новаторлик таклифи шижоат, кўп йиллик тажриба намунасидир.

Бундан уч йил муқаддам Калинин районидаги Куйбишев номли колхознинг биринчи бригада территорияси Чилонзор район ихтиёрига ўтказилган эди. Ана шунда маҳалланинг каттадан кичиги «Ҳайрият, бизнинг маҳаллага ҳам шаҳар файзи кирадиган бўлди», деб хурсанд бўлишган эди. Улар «маҳалламиз обод бўлади, кўчаларимизга файз киради, чироқларимиз энди «лип-лип» қилиб, биз билан «кўз уриштирмайди». Кўчалар ва хонадонларимизга янги водопровод колонкалари ўрнатилади, зарур бўлса, автомат телефондан ишингни битирадиган вақт келади» деб хаёл қилишган эди. Аҳоли ана шу орзу билан маҳаллага «Маданият» деб ном ҳам қўйишди.

Нима ҳам дердик? Орзуга айб йўқ. Маҳалла активлари, билимдон кексалари шу номга яраша маҳалла кўчаларини, хонадонларини қўлларидан келганча обод ва кўкаламзорлаштирган бўлишди. Лекин, маҳаллада уларнинг имкониятларидан ташқари бажариладиган ишлар ҳали кўп эди. Шунинг учун ҳам юқори ташкилотларга мурожаат қилмай илож йўқ эди.

Буни қаранг-ки, маҳалла аҳолисининг нияти ҳам холис экан. Ўша йили йўқлаб юрилган, шаҳар Советининг депутати, шаҳар «Водоканал» трестининг бошлиғи ўртоқ Хўжаев билан маҳалладаги сайловчилар учрашуви бўлиб қолди. Бу учрашувда сўз олган ўртоқ Хўжаев сайловчиларга «маҳаллани сув билан таъминлаш эмас, балки шундай обод қилиб юборайликки, кўрган киши умрбод эслаб юрсин», деган мазмунда катта ваъдалар берди.

Депутат — халқ вакили. У ана шу халққа, сайловчига сўз бердими, гапининг устидан чиқиши керак. Маҳалла аҳолиси Хўжаевга ишонган эди. Хўш, ўртоқ Хўжаев бу ишончни оқладими? У сайловчиларга берган ваъдасининг устидан чиқдими?

Маҳалла аҳолиси ваъданинг юзага чиқиб қолишини орзиқиб узоқ кутишди. Афсуски, ўша каттакон ваъда Хўжаевнинг ўша кунидёқ эсидан чиққан экан.

Орадан бир неча ойлар ўтди. Бу орада маҳалланинг кекса активларидан Ғани ота Муталов, депутатлардан Маҳамадкарим Умаров, Нигмат Мирзаев, Эргаш Бўриев, Қосим Рўзиматов ўртоқларнинг бормаган идоралари, кирмаган эшиклари, гаплашмаган раҳбарлари қолмади. Шундан кейин Чилонзор район коммунал хўжалик бўлим раҳбарлари «Водоканал» бошқармасига қуйидаги мазмунда хат ёзишди:

«Водоканал» трести бошқарувчиси ўртоқ Т. Хўжаевга Чилонзор район коммунал хўжалиги сиздан қуйидаги объектларда водопровод колонкалари ўрнатишни 1968 йил иш планига киритишни сўрайди. Жумладан, «Маданият», «Дўмбиробод» маҳаллаларида...»

Юқоридаги объектларда қурилиш ишларини олиб боришни район коммунал хўжалиги билан келишиб, бошлашингизни сўраймиз.

А. СОДИҚОВ,
район коммунал хўжалиги бўлимининг мудири.

ТУРАХЎЖАЕВ,
инженер».

Ўртоқ Хўжаев маҳаллани водопровод суви билан таъминлашни сўраб ёзилган бу хатга «маблағимиз етишмайди, шу сабабли 1968 йил планига киритолмаймиз» деган баҳона билан ваъдани келаси йилга қолдирди.

Орадан бир йил ҳам ўтди. Ниҳоят 1969 йил, орзиқиб кутилган соатлар ҳам етиб келди. Район Советининг депутатларидан Қосим Рўзиматов ва Маҳаматкарим Умаров ўртоқлар «ваъдасида турганмикин?» деб Хўжаевнинг олдига йўл олишди. Ўртоқ Хўжаев халқ вакилларининг илтимосларини эшитиш ўрнига: «водопровод ҳовуздаги сув эмас, челакни ботириб олиб бўлмайди. Кўп менинг бошимни қотиравермангилар», деб илтимосчилар кўнглини ранжитиб чиқарди.

Кошки эди, фақат «Водоканал» трести раҳбарларигина ваъдабоз бўлиб қолишган бўлса? Йўқ, шаҳар ижроия комитетига қарашли йўлларни фойдаланишга топшириш ихтисослаштирилган трести раҳбарлари ҳам шундай бўлиб чиқишди. Бу трест раҳбарлари маҳалла комитети ва шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш бошқармасига ёзган хатларида шундай ваъда беришган эди: «Маҳалла кўчаларини ободонлаштириш масаласини 1969 йилда албатта ҳал қиламиз. Трест бош инженери Э. Е. Стороженко».

1969 йил ҳам ўтди. Ваъдалар эса унутилди. «Маданият» маҳалла кўчаси на ремонт қилинди, на чироқларига сон кирди. Ҳозир лонгарчиликдан маҳалланинг Рокосовский, Белов, Ҳакимов кўчаларига кириб бўлмайди. Кирилса чиқиб бўлмайди.

Маҳаллада 4,5 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Булар орасида ўқувчилар, студентлар, олимлар, ишчи ва хизматчилар ва пенсионерлар бор. Айниқса, кексаларнинг қатнови, тунги сменада ишловчиларнинг келиб-кетишлари анча мушкул.

Шундай экан, район раҳбарлари буни яхши тушунишлари, ваъдаларни унутмасликлари керак. Чунки халққа ваъда эмас, амалий иш—«Маданият» маҳалласини ҳақиқий обод маҳаллага айлантириш йўлида чин ёрдамлари керак.

Маҳалла аҳолиси номидан:

М. ЖЎРАЕВА,
Ғ. ИЎЛДОШЕВ,
К. ЗОКИРОВ,
маҳалла активлари.

СЕКРЕТАРЛАР СЕМИНАРИ

Яқинда Бекобод район бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарларининг бир кунлик семинари бўлиб ўтди.

Семинарда район партия комитетининг биринчи секретари М. Н. Нуъмонов «Халқ хўжалиги планларини бажариш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашда партия ташкилотларининг вазифаси», район партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Бабочкин» КПСС Марказий Комитетининг Ярославль шаҳар партия ташкилотларида партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисидаги қарори ва вазифалар», район партия комитетининг секретари Т. У. Умматов «КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб чиқарган Тезисларини пропаганда қилиш форма ва методлари», район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири Т. Сувонов «Ҳозирги босқичда партиявий ташкилий ишларни янада такомиллаштириш йўллари ҳақида» доклад қилдилар.

Докладлар тугагач, семинар қатнашчилари уч секцияга бўлиниб, ўзаро тажриба алмашдилар. Колхоз ва совхозлар партия ташкилотлари секретарлари иштирок этган секцияда Навоий номли колхознинг 3-участка партия ташкилоти секретари М. Ҳамзаев партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш, 2-«Далварзин» совхози партия комитетининг секретари А. Ҳакимов партия ўқувини ташкил қилиш, 1-«Далварзин» совхозининг 4-бўлим партия ташкилотининг секретари О. Исмоилов қиш даврида сиёсий ахборотчилар ва сиёсий ташкилотчилар фаолиятини ошириш ҳақида ўз тажрибаларини гапириб бердилар.

Бошқа секцияларда ҳам фойдали суҳбатлар бўлди.

Т. УМУРЗОҚОВ.

Ленин номидаги электрон техникаси заводи йиғув цехида ўнлаб меҳнат зарбдорлари ишлашади. Улар юбилей йилини шахсий меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилишган. Суратда: йиғув цехи участкаларининг бирида.

Л. Глауберзон фотоси.

КАСБГА МЕҲР

ИШЧИ НОМИ—ШАРАФЛИ НОМ

ҚУРАМА тизма тоғлари этагида зўр шодиёна. Бу кун ҳамма бир-бирини қутлаган, юзларда ва лабларда ханда.

Корхона дарвозаси ёнига қўйилган бир қоп аммофос кукуни гўё оҳанграбодай ўтган-кетганларнинг нигоҳини жалб этарди. Оғзи очиқ қопда ун каби майда аммофос олтиндай товланади, десак ажабланманг.

Чиндан ҳам бугун бу илк маҳсулот узоқ ва машаққатли меҳнатдан кейин бунёдкорлар кўзига олтиндай товланиб кўринмоқда. Унга қараб қурувчилар бутун чарчоқларини унутишди, кўзларида аллақандай учқунлар порлямоқда.

Улар орасида бизга таниш кўп кишилар бор. Иккинчи участка бошлиғи Расулжон Зокиров, комплекс бригада раҳбари Зуфар Гимаев, ёш бунёдкор Содиқжон Алимов, Нурулла Габдиракипов, қўйингчи, қолибларни санаб ado қилолмайсиз.

— Қани, аввал кўрманасини беринг-чи, — деб ҳазиллашди Содиқжон қопга энгашаётган мўйловли бир кишига.

— Кўрманаси денг? — деди у ҳам, — келинг, — у қувонч билан Содиқжоннинг юзидан ўпди.

Бу бунёдкорлар орасида Содиқжоннинг кечмиш-кечирмишлари қизиқарлидир. Қорача, ўрта бўйли бу ёш йигит анча романтик чиқиб қолди. Ҳаёлчан, юксак орзу-умидларга тўла Содиқжон майин, аммо ўйчан сўзларкан, уни узоқ Андижондан Олмалиққа нима чорладийкан, деб ўйлардим.

— Ўрта мактабни битирганимдан кейин, — деб ҳикоя қилди — қурувчи бўлишни дилимга тугиб қўйгандим. Яхши касб-да, шундай эмасми? Дадам Олимжон ака, ойим Каромат опалар ва акам Солижонлар билан маслаҳатлашганимда улар, Андижонда ўқишингни давом эттиравер, дейишди. Мен эса азим Тошкентда ё тоғ бағридаги Олмалиқда ишлашни истардим. Қани, бир ўша ёқларга борай, дедим. Ё шаҳри азимда бўл, ёки чўлу биёбонда, деганлар-ку! Олмалиққа келиб, қурилиш техникумининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Қайси участкага бориб ишлашни билмай юрардим, чунки чоратрофда қурилиш кўп эди.

ШУНДАЙ кунларнинг бирида у ногаҳон 40 ёшлар чамасидаги бир киши билан танишиб қолди. Уни кўпинча ўқишга бориш ёки қайтишда кўп учратарди. У «Алмаликсвинецстрой» трестининг 2-қурилиш бошқармасига қарашли 2-участка комплекс бригада бошлиғи Зуфар ака Гимаев эди. Зуфар ака уни ўз бригадасида ишлашга таклиф этганда ёш йигит қувониб кетди. У вақтда бригада Олмалиқдаги машиний химия заводи қурилишида ишларди.

Орадан кўп ўтмай, 2-қурилиш бошқармаси бошлиғи Рем Даль Зуфар акани йўқлаб қолди. У Шўр ва Таначи каналлари оралиғида республикамизда янги, гигант химия заводи қурилажагини, бунга биринчилар қатори Зуфар ака бригадасини юборишни лозим топганини айтди.

Бу ерда ҳали атроф бий-дала эди. Содиқжон дўстлари Нурулла, Галя ва бошқалар билан илк бор химия заводининг ҳовлисини девор билан ўраштди, йўлкалар қуришди. Тайёр маҳсулотлар омборига дастлабки пойдевор ётқизишди. Шундан кейин бирин-кетин бошқа бригадалар кела бошлади. Объект кундан-кунга гавжумлаша борди.

Бир куни Содиқжон бу ерда Собиржон ва Алишерни учратиб қолди. Тасодифни қарангки, улар Қўрғонтепа район Куйбишев номли 8-ўрта мактабни бирга битиришган эди! Собиржон Тожиматов ва Алишер Зокиров бетончилик ва дурадгорлик касбини дурустгина эгаллаб олишибди.

Дўстлар қувончини таъриф қилиш қийин эди!

Тажрибали бинокорлар сафида қурилишнинг аччиқ-чучугини бирга тотишди улар. Тайёр маҳсулотлар омбори, компрессор станцияси, корхона юраги ҳисобланган аммофос цехи, тайёр маҳсулотлар ўтказиш эстакадасини қўлдан чиқаришда бир жон-бир тан бўлиб ишладилар.

ЁШЛИК меҳнатда чиниқади, меҳнат эса кимнинг нимага лаёқатли эканини аён қилади! Содиқжон Алимов ва унинг дўстлари ҳам бу синовдан муваффақиятли ўтишди. Қолаверса, қалби ёшлик ўти билан жўш урган бу азаматлар республика, ҳатто Иттифоқимиз миқёсидаги йирик корхона қурилишида иштирок этишгани билан чексиз ғурурландилар!

...Содиқжон куни кеча акаси Солижондан жавоб мактуби олганини айтди. «Шунчалик катта қурилишда оғизга тушган бўлсанг, жуда яхши. Эсингдан ўқишларингни битириб келсанг, бинокор деган ном олиб келсанг бошимиз осмонга етади», деб ёзибди акажони.

Ҳ. ИКРОМОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Янгийўлдаги пойафзал фабрикаси коллективи юбилей йилини меҳнатда янги-янги ютуқлар билан кутиб олиш ниятида ўзаро мусобақани қизитиб юборган ҳолда меҳнат қилмоқда. Пойафзалчилар планни ошириб бажариш билан бирга маҳсулот сифатига ҳам катта эътибор беришляпти. Суратда: А. Ватаева, И. Абдусатторов ва Т. Завалина қўлдан чиққан болалар пойафзалини кўздан кечиришмоқда. Б. Ғафуров фотоси.

ЧОРВА ТУЁҒИНИ ҚЎПАЙТИРАМИЗ

Эндиликда базамизда чўчқалар сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш юзасидан бошланган иш ҳар тарафлама кучайиб, яхшиланиб бораяпти. Биз бу вақт ичида уларни қанчалик яхши боқиб озиқлантирсак, чўчқа яна ҳам соғлом бўлади ва бундан кейинги ойлардаги семириши янада тезлашади.

Она чўчқаларга Ольга Федоровна Хожиматова ва унинг қизи Соня қарайди. Мен ва ҳамкасабам Галина Серова иккаламиз эса чўчқа болаларини боқяпмиз. Биз бутун куч ва тажрибамизни ҳар бир чўчқанинг соғлом ўсишига сафарбар қилаяпмиз.

Бир кеча-кундузда чўчқаларнинг семириши 200 граммга етишига ҳаракат қилиб, чўчқаларнинг боқувини намунали йўлга қўйдик.

Ҳар бир чўчқа болаига кунига бир ярим килограммдан икки килограммгача комбикорм, 200 грамм маккажўхори бўтқаси, 200 грамм қуюқлаштирилган сут бераяпмиз. Тез-тез то тўрт ойга қадар боқиб ўстириш ишимиздаги энг масъулиятли даврлардан бири ҳисобланади. Биз бу даврдаги ёки ошқовоқ, шунингдек минерал ва витаминга бой бўлган озуқаларни уларга аралаштириб берамиз. Бинни ҳам ўзимиз тайёрлаяпмиз.

Чўчқа болаларини икки ой боқиб, оғирлиги 25—30 килограммга етгандан кейин эса уларни бўрдоқига қўйилган чўчқалар группасига топширамиз. Бу ерда ҳам ўз касбининг моҳир усталари бор. Айниқса, Мария Фасупова, Мария Еремина кабилар ҳар бир чўчқани 430 граммдан 500 граммгача бир кеча-кундузда семиришини таъминламоқдалар. Бу эса пландагига нисбатан 80—150 грамм кўп демакдир.

Биз ўз зиммамизга юклатилган топшириқни сидқидиллик билан бажарамиз. Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириб, юбилей йилида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритамиз.

М. ОГЛУЗДИНА.

Янгийўл колхозлараро бўрдоқичилик базаси чўчқабоқари.

КОЛХОЗ УСТАХОНАСИДАН РЕПОРТАЖ

ТЕХНИКА ИХЛОСМАНДЛАРИ

Дарвоза қанотлари очилиши билан тракторлар бирин-кетин чиқа бошлади. Механизаторлар рулни катта кўчага буришди.

Бош инженер изоҳ бера бошлади:

— Бу тракторларни «Узсельхозтехника»нинг устахонасига жўнатяпмиз. Ремонт қилиб бериш ҳақида улар билан шартнома тузганмиз. 18 трактор район устахонасида капитал ремонтдан чиқарилади. Ремонт кам талаб қиладиган чопиқ, ҳайдов тракторларининг бир қисмини ўзимизнинг колхоз устахонасида қўлдан чиқарамиз...

Шермат Нишонбоев «ДТ—54» тракторидан бирини уч йилдан бери ўзи минади. Шу вақт ичида қанчадан-қанча дала ишлари амалга оширилди. Механизатор тракторни авайлаб, эҳтиёт билан ишлатди.

— Тракторчи ўзига бириктириб қўйилган машинани,— дейди Шермат,—кўз қорачиғидек сақласа, доимо қараб, мойлаб турса, бузилмайди, иш унумдорлиги ошади. Ўзим бошқарган трактор уч йил давомида яхши хизмат қилди. Энди капитал ремонтдан чиқариш учун кетяпман. Ремонтдан кейин ҳам тракторни авайлаб ишлатиб, ортиқча сарф-харажатга йўл қўймайман.

Колхоз ремонт устахонасига кирамиз. Бу ерда ўз ишининг моҳир кишилари, касбини ардоқловчи, техникани кўз қорачиғидек сақлаб, иш унумини кўтаришда хормай-толмай ишлаётган кишилар кўп. Ҳамма киши ўзига топширилган ишни садоқат билан бажаришга ҳаракат қилмоқда. Инженерлар, техниклар, тракторчилар, ҳайдов, чопиқ тракторларини, экиш агрегатларини бирин-кетин кўздан кечириб «касали»ни аниқлашмоқда. Бўрибой Алимовда ҳам тиним йўқ. У бульдозер билан техника ремонт қилинадиган жойларни текисляпти.

Олимтой Олимов билан Муҳаммаджон Исроилов бир неча йилдан бери тракторчилик қилишади. Дала ишларида фаол қатнашиб, ёзи билан ишлатган тракторларини, қишлоқ хўжалик асбобларини қишга келиб, ўзлари ремонтдан чиқаришга одатланиб қолишган.

Бир неча кун ичида бу икки азамат 7 чизелни қўлдан чиқариб, кўкламга тайёр қилиб қўйди. Собиржон Алметов тракторини «Узсельхозтехника» устахонасига ташлаб келгандан кейин бу ердаги плуг, сеялкаларни ремонт қилишни бошлаб юборди.

Устахонадаги бир хонага кишилар тез-тез кириб туришибди. Слесарь Деҳқонбой Нишонбоев, токарь Деҳқон Тўлагановлар топшириқларни тезроқ пухта бажариш учун ғайрат кўрсатишмоқда.

Хулдас, колхоз устахонасида ишнинг сабабсиз тўхтаб қолишига йўл қўйилмайди. Механизаторлар ишга масъулият билан қараб, кундалик топшириқни ўринлатиб бажаришмоқда.

Колхоз устахонасида механиклар раҳбарлигида ишлайдиган тўртта ремонтчилар бригадаси тузилган. Бригада ва уларнинг аъзолари ўртасида иш ўз расамади билан тақсимлаб қўйилган. Шунинг учун ҳам бу ерда меҳнат интизоми яхши. Иш унумдорлиги кундан-кунга ошиб бормоқда, суръатга суръат қўшилмоқда. Устахона мудири бригадаларнинг ишларидан кўз-қулоқ бўлиш билан бирга улар томонидан берилган буюртмаларни тезроқ бажаришда зарур тадбирларни кўриб турибди.

Иш график асосида олиб бориляпти. Ремонтчилар партиямиз Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига» Тезисларини ўрганишяпти. Машиналарнинг ҳаммасини 20 февралдан кечиктирмай ремонтдан чиқариш учун ленинча меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

Техникага ихлос, деб шуни айтадилар. Ҳар бир тракторчи киши билан кўклам гамини емоқда.

Ҳайдов, чопиқ тракторлари билан бирга кўрак чувиш, териш машиналарини ҳам қиш фаслида ремонтдан чиқариб қўйиш ишлари ҳам бу ерда тўла ҳисобга олинган. Бу ишлар қанчалик барвақт бажарилса, шунчалик яхши самара беради, механизаторлар чигит экиш, ғўзани парвариш қилиш даврида яна овора бўлиб юрмайдилар.

Тажрибали механизатор Ортиқали Нурматовни ҳам колхоз устахонасидан топасиз. У тонг ёришиши билан қош қорайгунга қадар шу ерда механизатор кадрлар тайёрлаш иши билан банд. 10-синфни битирган ёшлар унинг олдига тез-тез келиб туришибди: тракторчилар тайёрлайдиган курсга кишилар танланмоқда. Яқин кунлар ичида куре ишга тушади. Тингловчилар тўрт ой ичида назарий билим олишади, практик машғулот ўтказишади. Шундан кейин гувоҳнома олишиб, техникани бошқариш ҳуқуқига эга бўлишади. Шундай қисқа муддатли курсларни битириб чиқаётган қишлоқ ёшлари кўпайиб бормоқда. Улар биз қишлоқда яшар эканмиз, техникани ўрганишимиз зарур, деган шиорга амал қилмоқдалар.

Устахонада иш кун сари қизимоқда. Ўтган куни бу ерда ремонтда 15 киши қатнашган эди. Кеча 24 киши ишга келди. Эрта-индин эса ремонтчилар сони 40 кишига етади.

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз механизаторлари ҳозирдан бошлаб кўкламга ана шундай пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Барча трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини тез ва сифатли ремонтдан чиқариб, экиш кампаниясини бекаму-кўст кутиб оладилар.

М. ГОЗИЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

Сабзавотчиликда тажрибали ва маҳоратли деҳқонлар Калинин районидаги Охунбобоев номли колхозда анчагина.

Юбилей йилида хўжалик сабзавоткорлари, соҳибкор боғбонлари ҳозирдан бошлаб баҳорги ишларни қизитиб юборишмоқда. Тез кунда 25 гектар майдонга помидор, бодринг, карам экилиб, бу экинлар пленка тагига олинади. Шу майдонда 350 тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулоти етиштириш мўлжалланмоқда.

Ҳозир мўлжалланган майдонларга етадиган сабзавот кўчати тайёрлаш ишлари қизғин, 500 ром тагида сабзавот ниҳоллари ўстирилмоқда. Бундан ташқари, 100 гектар ерга эртаги картошка, 200 гектар ерга эртаги сабзавотлар экиш мўлжалланаётир.

Ўтган хўжалик йилида деҳқонлар катта ғалабани қўлга киритгандилар. Давлатга пландаги 5204 тонна ўрнига 6160 тонна юқори сифатли сабзавот маҳсулотлари сотилиб йиллик план 119 процент бажарилди. Картошка тайёрлаш йиллик плани эса 110 процентдан ошириб бажарилди.

Меҳнаткашлар дастурхонининг тўкинчилиги, мўл-кўлчилиги учун курашаётган хўжалик сабзавоткорлари юбилей йилида ҳам бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

У. МИРЗАҲОШИМОВА.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШАДИ

Оққўрғон районидаги Навоий номли колхознинг Н. Хамдамов бошлиқ звено аъзолари Мирзачўл районидаги В. И. Ленин номли совхоз пахтакорлари ташаббусига қўшилиб, бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 5 центнерга кўтариш учун ҳозирдан бошлаб самарали меҳнат қилмоқдалар.

Звено аъзолари юбилей йилида — ўзимизга қарашли 45 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтарамиз, — демоқдалар.

Шу райондаги **Ҳамид Олимжон номли колхознинг** Жумақул Примқулов бошлиқ аграучастка деҳқонлари ҳам кўкламга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Шу кеча-кундузда ўзларига тегишли барча минерал ва маҳаллий ўғитларни дала бошига чиқариб қўймоқдалар.

Ҳ. АҲМЕДОВ.
Д. ХОЛБОЕВ.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

ПРАГА. (ТАСС). Прагадаги В. И. Ленин музейининг ходимлари жаҳон пролетариати доҳийси туғилган кунининг 100 йиллигига зўр ғайрат билан тайёрланмоқдалар. Жумладан, В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятига доир кўпгина янги ҳужжатлар ва унинг Чехословакияда босилиб чиққан асарлари махсус экспозицияга қўйилади. Бундан ташқари, музей томошабинлар учун суҳбат ва лекциялар туркумини тайёрламоқда. РСДРП Прага партия конференциясининг 58 йиллиги нишонланадиган яқин кунларда музейда тантанали йиғилиш ўтказилади. Бу йиғилиш большевиклар 1912 йил январида ўз партиясини мустаҳкамлаш ҳамда жипслаштиришга доир энг муҳим вазифаларни муҳокама қилган ва ҳал этган бинода уюштириладн.

●

КОЛОМБО. (ТАСС). Цейлон—Совет дўстлиги уюшмаси Коломбо, Жафна, Матарда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида жаҳон пролетариати йўлбошчисининг ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган китоб ва фотосуратлар виставкасини уюштирди, кинофильмлар кўрсатди.

Цейлоннинг прогрессив матбуоти Ленин тўғрисидаги материалларни мунтазам суратда босиб чиқармоқда, Цейлон Компартияси Марказий Комитетининг органи ҳафталик «Форвард» газетаси В. И. Ленининг қисқача таржимаи ҳолини босиб чиқара бошлади. Бу таржимаи ҳол яқин кунларда сингал ва тамил тилларида алоҳида брошюра қилиб нашр этилади. Ҳали яқиндагина босилиб чиққан ҳафталик «Трибюн» газетаси В. И. Ленинга бағишланган кўп материалларни эълон қилди. Бу материаллар орасида КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига чиқарган Тезисларининг батафсил баёни, Лениннинг революция ва ёшларнинг роли ҳақидаги фикрлари бор.

●

ПАРИЖ. (ТАСС). Франциянинг йирик саноат шаҳарларидан бири Клермон—Ферранда «Олтинчи июль» фильми билан Ленин юбилейига бағишланган совет кинофильмлари кўрсатила бошланди. Кинофильмлар Бордо, Дижон, Ницца, Лион, Лилль, Тур ва Перпиньянда ҳам кўрсатилади.

ЖИНОЯТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПНОМПЕНЬ, 15 январь. (ТАСС). Америка Сайгон ҳарбийлари Камбоджанинг чегара районларига агрессив ҳужумларини давом эттирмоқдалар. Америка Сайгон ҳарбий ҳаво кучларининг беш вертолёти 6 январда Свайриенг вилояти атрофида Камбоджа осмонига бостириб кирди ва Прасат қишлогини пулеметлардан ўққа тутди. Ўққа тутиш натижасида Камбоджа деҳқонларидан икки киши ўлдирилди. Шу қишлоқдаги деҳқонларнинг хўжаликларига катта зарар етказилди.

Маҳаллий газеталар босқинчиларча қилинган ана шу ҳужум тўғрисида хабар бериб, Америка — Сайгон қўшинларининг бетараф Камбоджага қарши ўтган йил охирида ивогарлик мақсадида қилган ҳаракатларига доир бошқа фактларни ҳам келтиради. Америка — Сайгон ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари 1969 йилнинг 22, 23 ва 24 декабрида Камбоджа осмонига кўп марта бостириб кирди ва Камбоджанинг чегара яқинидаги Кратие, Прейвенг ва Свайриенг вилоятларида жойлашган аҳоли пунктларини ўққа тутди.

Бугун бу ерда Камбоджа Ташқи ишлар министрлигининг АҚШга юборган никинотаси эълон қилинди. Короллик ҳукумати бу ноталарда юқорида келтирилган фактларни кўрсатиб, Камбоджанинг чегара районларида қилинган агрессив ҳужумларга қарши қатъий норозилик билдиради ва АҚШ ҳукумати етказилган зарарни тўлаш ва бетараф Камбоджага қарши агрессив харакатларни тўхтатиш чораларини дарҳол кўрсин, деб талаб қилади.

ГДРни ТАН ОЛИШ КЕРАК

БОННН. (ТАСС). Прогрессив немис социалистик ишчи ёшлар ташкилоти баёнот эълон қилди. Баёнотда бундай дейилади: «Икки немис давлати ўртасида нормал халқаро-ҳуқуқий ва дипломатик муносабатлар ўрнатмай туриб, Европадаги кескинликни узоқ вақт мобайнида юмшатиш мумкин эмас».

Баёнотда таъкидлаб ўтилганидек, «Германия Демократик Республикасини таниш керак» ва Брандт ҳукумати «ниҳоят, христиан-демократик иттифоқнинг 20 йиллик снёсатига чек қўйиши лозим».

МОЗАМБИК ОЗОДЛИК ФРОНТИНИНГ АХБОРОТИ

ДОРУССАЛОМ, 15 январь. (ТАСС). Мозамбик озодлик фронтининг бугун бу ерда эълон қилинган ахборотида айтилишича, Португалия солдатларидан 83 киши ўлдирилган ва кўп солдат жароҳатланган, 16 ҳарбий автомашина яксон қилинган, ҳарбий анжом омборига ҳужум қилинган.

Мозамбик озодлик фронти отрядларининг 16 ноябрдан 5 декабргача ўтказилган жангговар ҳаракатлари тўғрисидаги ахборотда бундай дейилади: Кабу—Делгаду вилоятидаги омборга ҳужум қилиш вақтида кўп миқдордаги ўқ-дори, озиқ-овқат ва ҳарбий кийимлар қўлга туширилди. Мозамбик озодлик фронтининг партизанлари 3 декабрда Навандоло зонасида душманнинг бир группа солдатларини тор-мор қилдилар. Қотиллардан 10 киши ўлдирилди.

Болгариядаги «Техноэкспортстрой» ишчилари ва инженерлари Ливия Араб Республикасида турар-жой бинолари, спорт иншоотлари қуришда яқиндан ёрдам беришмоқда. Суратда: болгариялик мутахассислар ёрдамида Бенгази шаҳарчасида қурилаётган спорт комплексининг умумий кўриниши.

БТА—ТАСС фотоси.

СТУДЕНТЛАР БИРДАМЛИГИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливандаги олий ўқув юртларининг студентлари маъмурларнинг ўтакетган бебошлигига қарши норозилик билдириб, забастовка эълон қилдилар. Парламент бинаси олдида намойиш уюштирган студентларга полициячиларнинг қилган ҳужуми забастовка ўтказилишига сабаб бўлди. Ёшлар Ливан мактабларининг бир ойдан бери иш ташлаб келаётган ўқитувчиларини қўллаб-қувватладилар. 9 студент ярадор бўлди.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МАЛИДА БЎЛИШИ

БАМАКО, 15 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда Африка халқлари билан дўстлик совет уюшмаси делегациясининг Мали Республикасида бўлиши тўғрисидаги ахборот имзоланди. Ахборотда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: ҳар иккки томон империалистларнинг Вьетнамдаги агрессив урушини қоралади ва қаҳрамон Вьетнам халқининг миллий озодлик йўлида олиб бораётган ҳаққоний курашида уни бундан буён ҳам ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қарор берди. Улар чет эл қўшинлари Вьетнамдан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетилсин, Вьетнам халқига ўз ишларини мустақил ҳал этиш имконияти берилсин, деб талаб қилдилар. Музокаралар давомида, дейилади ахборотда, ҳар иккки томон Араб мамлакатларининг адолатли курашини қўллаб-қувватлаётганлигини таъкидлади. Улар Жанубий Африка республикаси ва Жанубий Родезиядаги апартеид снёсатини, шунингдек Португалиянинг Африкада олиб бораётган мустамлакачилик урушларини қоралаладилар. Улар иркчиликнинг ҳар қандай форма ва кўринишларини қораладилар.

Ахборотда айтилдики, Осиё ва Африка халқлари билан бирдамлик Мали комитети В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини Мали Республикасида кенг ва тантанали нишонлаш учун ҳамма чораларни кўради.

Совет делегацияси, дейилади ахборотда, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги Мали комитетининг делегациясини дўстлик визити билан СССРга келишга таклиф этди. Бу таклиф қабул қилинди. Визит вақти кейинчалик келишиб олинади. Совет делегацияси бугун самолётда ўз ватанига учиб кетди.

ЯНГИЙЎЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

ОБОД КОЛХОЗ

Свердлов номли колхоз қишлоғи кейинги вақт ичида шаҳар тусини олди. Айниқса сўнгги уч йил ичида улкан қурилишлар амалга оширилди. Эндиликда колхознинг марказий, «XIX партсъезд» участкалари таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Айниқса, бу ерда уй-жой ва маданий-маиший бинолар борган сари кўпаймоқда. Икки участкада 50 койкадан иборат икки касалхона ишга туширилди. Қишлоқ кўчалари электр чироқлари билан ёритилди. Ҳаммом қурилди. 15-мактабга қўшимча синфлар, спорт зали қуриб берилди. 39-мактаб яна тўрт хонага кенгайтирилди. 38-мактабда эса 8 хонали бино қурилиб ишга тушди.

Бу ерда йилдан-йилга йўлларни яхшилаш, асфальт ётқизиш ишлари ҳам намунали олиб борилмоқда. Қисқа вақт ичида участка ораларидаги 20 километрдан ошиқ йўл асфальт қилинди. Қишлоқ марказидаги стадион қурилиши ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

ИШКОМЛАРГА ШПАЛЛАР

«Халқобод» комбинатига қарашли «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхозида ҳар йили токларни кўтариш учун 37—40 минг сўм сарфланади. Ишкомларга ёғоч ишлатилиши айниқса қимматга тушади. Ҳар бир ишком ёғочининг ўртача нархи 1 сўм 80 тийинга тўғри келади.

Совхозда бу харажатларни камайтириш мақсадида темир, цемент қоришмаларидан шпаллар тайёрлайдиган цех қурилди. Бу эса ишкомларга ишлатиладиган шпалларни 60 тийиндан арзонга туширди.

Шпаллардан совхознинг ўзида ишкомлар тайёрланиши уч йил ичида 24 минг сўм тежаб қолиш имконини беради.

ҚУЛАЙЛИК

Сирдарё бўйида, Янги Чиноза бозор қурилиб фойдаланишга топширилди. Бозорда сабзавот, балиқ, сут билан савдо қиладиган павильонлар бор.

Чиноз посёлкасидаги марказий бозор ҳам 4 минг квадрат метрга кенгайтирилди. Асфальт ётқизилиб, павильонлар сони кўпайди. Эски Тошкент қишлоғидаги колхоз-совхоз бозорида аҳолига маданий хизмат кўрсатиш юзасидан ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди.

Суратдаги тарвузни айни ёз палласида пайкалда олинган деб ўйларсиз. Йўқ у шу кунларда Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз теплица хўжалигида меҳнат қилаётган моҳир деҳқон — республикада хизмат кўрсатган агроном ўртоқ Зайниддин Фахриддиновнинг ижоди. У теплицада тарвуз ўстириб унинг гули билан лимон гулини чатиштириш орқали янги навлар яратиш йўлида меҳнат қилаяпти.

А. Абалян фотоси.

КУЙЛАР БЎЛМАСАЙДИ

Қачонки йўлга чиқсак
Биз-ла бирга
Шу онда орзулар пайдо бўлар
ёнимизда,
Фақат бир нарса нур сочур
онгимизга.
Айланмоқ ишқи.
Жаҳонни,
Ҳар ённи,
Қалдирғочлар каби.
Қачонки йўлга чиқсак
Биз-ла бирга...,
Шу пайтда,
Маликамиз ҳам чиқар
изимиздан
Кўпинча йўллар ҳам,
Завқ олур у нозик сасимиздан.
Куйларимиз лола атри каби
Шу онда ёйилур ҳар ёна.
Ҳатто қўл солур осмонга.
Йўқ, агар куйлар бўлмасайди,
Узоқ, узоқ йўллар.
Қисқа бўлармиди?

Ихтиёр РИЗО

РАССОМ ТАБАССУМИ

— Марҳамат, Абдусаттор дўстим келабер.
— Итингиз тишлаб олмайдими?
— Шуни билмоқчи эдим.

Бош ошпаз:
— Ўзингизни қийнамай пичоқларингизни чархлатиб олсангиз бўлмайдими.

Чайқовчи:
— Келиб қолинг, қора қўчқор гўштига, баҳоси ҳам арзон, атиги беш сўм...

Ферма мудири:
— Қани энди, мана шунақа қорамол бўлса, ойлаб на сув керак, на ем...

«Йўловчиларга хизмат кўрсатиш юқори даражада бўлмоқда».
(Йўл бўлими бошлиғи рапортидан)

А. ХОЛИҚОВ
чизган расмлар.

АКВАРИУМ ИШҚИВОЗЛАРИГА

Кейинги кунларда пойтахтимизнинг Чилонзор районидаги Волгоград кўчасининг 11-ҳовлиси ўқувчи болалар билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлиб қолди. Бу ерда Ўрта Осиё зоокомбинатининг 2-савдо дўкони ишлай бошлади. Дўконда аквариумларда боқиладиган турли хилдаги балиқчалар, уларнинг озиқ-овқатлари сотилмоқда.

Шунингдек, бу ерда уйларда боқиладиган қушларни, балиқ овлаш асбобларини, балиқ боқиладиган аквариум идишларини ҳам сотиб олиш мумкин.

СЕҲРГАРЛАР ОЛАМИДА

Пьер РОНДЬЕР

САҲНАДА салла кийиб олган белигача яланғоч одам турибди.

У қўлидаги учта пўлат илмоқни тўшига яқин келтириб бурай бошлади. Улар баданга тобора чуқурроқ кира бошлади. Залдагилар нафасларини ичларига ютиб ўтиришарди. Ёнимдаги аёл нуқул бармоқларини ғиширлади. Ана, илмоқ учлари баданни тешиб ўтиб, унинг нариги томонидан кўринди!

Сеҳргар бўлса писанд қилмай ишини давом эттирарди. Ёрдамчиси саҳнага бир аравачани ғилдиратиб келдида, полдаги ингичка нейлон арқонни сеҳргар баданини тешиб ўтган илмоқнинг икки томонига боғлаб қўйди. Аравачага икки томошабин чиқиб ўтирди. Сеҳргар кучиши тўплаб, қўлларини ёнига чўзиб, бутун гавдаси билан орқага силтанди. Арқон таранглашди ва... аравача аввал секин жойидан қўзғалиб, кейин тобора тезроқ юриб кетди ва саҳна пардалари орқасида ғойиб бўлди. Ҳамма зўр бериб қарсак чалди...

Сеҳргарлар, кўзбўямачилар, фолбинлар оламига саёҳатим шундай бошланди. Ҳа, улар Париждаги сеҳргарларнинг анъанавий фестивалларига тўпланишиб, бутун ҳунарларини намойиш этишди. Мен олов ютувчилар оғзидан ўт уфурганларини, фолбинлар томошабин чўнтагидаги юз франк қоғоз пулнинг номерини аниқ айтиб берганларини, бир гўдак бола елкасида гавдали одамлардан еттитасини кўтариб турганини, сеҳргар ўз юрагини уришдан тўхтатганини, яна бири қовурғалари орасидан тешиб ўтган узун ханжар билан саҳнада юрганини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳа, шундай.

СЕҲРГАРЛАР

АВВАЛО, мен расман тузилган «Иллюзионистлар ордени» (жамияти)нинг ранси Андре Санлавилга мурожаат қилдим. У мен билан сўзлашаркан, биз гуғурт қутичасини беҳосдан қўлда айлантиргандек, у сигаретани шундай ёниб турганича оғзига солиб, яна юзидан ташқарига чиқарарди.

— Кўзбўямачилар, фақирлар, фолбинлар—ҳаммамиз энг қадимий ҳунарнинг эгаларимиз, —деди у менга.—Фолбин ва сеҳргарлар инсон яралган пайтдаёқ мавжуд бўлишган. Кўзбўямачиликни яхши билиб олган одам ўз қабиладошлари устидан ҳукмрон бўлган. Қадимги Миср даёқ қоҳинлар амри билан ибодатхоналар устида «қуёш» чиқиб, яна ётоғига ботган. Эндиликда бу нарса ҳар бир ўқувчининг қўлидан келади, бунинг сирини физика дарслигидан топиш мумкин. Ёки ибодатхона деворидан ўз соясини ўчира билган одамларни айтмайсизми? Ҳа, бу ибодатхоналар тарихда биринчи цирк майдони эди.

— Хўш, ҳозирчи?

— Ҳозир ҳам бу ҳунарни давом эттирувчи истеъдодлар анчагина топилади. Мерлин, Нострадамус, Калиостро ва энг сўнггги машҳур сеҳргар Уден одатда ўша даврда кўпчиликка номаълум кимёвий ва физикавий ҳодисалардан фойдаланиб, техника услубларини қўллашган. Нострадамусни олайлик. У қиролича Екатерина Медичи туфайли катта шуҳрат орттирган. У 1550 йилда бу олий мақом аёлнинг кўзи олдида марҳум қироллар қиёфасини «тирилтирган» эди.

Икки асрдан сўнггина физик Робертсон ётиқ ойна ва махсус кийинтирилган ҳамда қўшин хонага яширилган одамлар ёрдамида худди шундай сеҳргарликни амалга оширди. Мен «сеҳр» деб гапиряпман, аммо ҳар бир «сеҳр»ни тайёрлаш учун 2—3 йил тер тўкиб меҳнат қилишга тўғри келади. Негаки фокусчи-кўзбўямачилар қандайдир рухий товуш ёки биотоклар орқали сирли маълумотларни ғойибдан қабул қилувчи фолбинлар эмасда! Кўзбўямачилардан фақат бир нарса талаб қилинади: фокус албатта жуда чаққонлик билан намойиш этилиши лозим.

Кўзбўямачининг асосий принципи унча мураккаб эмас: «Нима қилмоқчи бўлсанг, шунинг тескарисини гапир». Чунки, энг дастлабки кўзбўямачилар таъкидлаганидек, одам бир вақтнинг ўзида икки хил ҳаракатни кузата олмайди. Ҳар бир номер ягона принципга асосланади: ҳар бир ҳаракат, қанчалик оддий бўлмасин, ўзи бир неча алоҳида ҳаракатлардан ташкил топади. Агар кўзбўямачи шошмасдан, хотиржамлик билан тўққиз хил ҳаракатни бажарса, унинг тамомила бошқа хил ўнинчи ҳаракати ҳам томошабин кўзига бояги тўққизта ҳаракатдан фарқ қилмайдигандек бўлиб кўринади.

Ғалати туюлса ҳам айтиб қўяй: кўзбўямачи мантиқий хулоса чиқаришга мойил бўлган ўқимишли кишилардан сиримни очиб қўйишади, деб бошқаларга қараганда камроқ чўчийди. Негаки, бундай кишилар ҳамма нарсадан, жумладан, фокусчининг ҳаракатларидан ҳам маълум бир қонуният излашади. Худди шу фазилат уларга бу ишда қўл келмайди.

Кўзбўямачи кўпроқ содда одамлардан қўрқади. Уларнинг ўжар ва чегараланган ақли «бунинг бўлиши мумкин эмас» деб туриб олади. Бундай одамлар фокуснинг сирини фош қилмасалар ҳам хар ҳолда уларни алдаш қийинроқ, негаки улар ўзларига, ўз ҳаётий ва ақлий тажрибаларига тўла-тўкис ишонадилар.

Ҳар бир фокус — катталар учун эртак ниқобини кийиб олган ҳақиқатдир. Сеҳргарларнинг халқаро бирлашмаси уставида бежиз айтилмаган: «фокус кўрсатиш санъати — болалар эрмаги эмас. Бу аввало катталар учун мўлжалланган санъатдир. Бу—ҳақиқий заршуносларни қизиқтирувчи, улар ақлини пешлаб, роҳат бағишловчи нозик санъатдир» деб.

НАЙЗА БИЛАН САНЧИЛГАН ТИЛ

СЕҲРГАР оҳиста юриб, ўт ёниб турган идиш ёнига келди. Сўнг худди шундай хотиржам ҳаракат қилиб, қора қўлқоп кийган қўли билан учи найза таёқчани олди. Найза оловда қизиб кетган эди. У белбоғидан ўралган газета олиб, таёқчага яқин келтирди. Қоғоз ёниб кетди. Сеҳргар ёнаётган газетани ташлаб юбориб, оҳиста яланғоч қўлини қизиб турган таёқчага яқинлаштириб, бирдан уни ушлаб олди. Кейин муштини ёзиб, қўлини кўрсатди: панжаси ҳеч бир қуймаган эди.

Сеҳргар қўлқоп кийган қўли билан бояги олов таёқчани ушлаб турарди. Кейин у бошқа қўли билан ёнидан дастрўмол чиқариб, оғзига яқин келтирди ва тилини узоқ артди. Кейин ҳамон боягидек қизиб турган найзани тилига санчиб юборди. Қовурилган гўшт иси дастлабки қаторда ўтирган кишилар думоғига урилди. «Ёвлди! Тўхтатинг!» деган овозлар эшитилди.

Сеҳргар яна дастрўмоли билан тилини артди ва тилини чиқариб, одамларга кўрсатди: тил ҳеч бир жароҳатланмаган эди. Фокуснинг сири нимада? Сеҳргарнинг чаққонлигида, ҳолос: қўлингизни совун билан квасц аралаштириб, ҳар қандай қизиб турган нарсани бемалол ушлаб кўринг—таъсир қилмайди.

Хўш, найза тилга санчилдику! Ҳатто қиздирилган гўшт исичи? Сеҳргар тилини фақат рўмолча билан артгани йўқ. Рўмолча ичига нозик қилиб кесилган, узоқдан худди тилга ўхшаш мол гўштининг бир парчаси яхшилаб ўраб қўйилган эди. Сеҳргар пайт пойлаб, шуни тишлари орасига солиб қўйган эди.

Ҳа, сиз доғда қолдингиз. Аммо, сиздан кўра тажрибалироқ мутахассислар ҳам дастлаб шундай доғда қолишган эди.

(Давоми бор.)

ДОНОЛАР СЎЗИ

Табиат — шундай бир ягона китобдирки, унинг ҳар бир варағи тубсиз мазмунга эгадир.

ГЕТЕ.

Табиат ҳазилни ёқтирмайди. У ҳамиша ҳаққоний, ҳамиша жиддий, ҳамиша талабчан, у доимо ҳақ. Хато ва янглишлар эса фақат кишилар томонидадир.

ГЕТЕ.

Айрим шахслар маънавий бузилиши мумкин, аммо халқ ҳеч қачон!

Ю. ФУЧИК.

Бизнинг еримиз — каттакон кенг йўлдир, биз эса ундаги йўловчиларимиз.

ТЕЙНЕ.

Энг зарур нарса — кишиларни фикрлашга ўргатишдир.

БРЕХТ.

Кишилардаги энг катта камчилик шуки, уларда майда-чуйда камчиликлар анчагинадир.

ЖОН ПОЛЬ.

Табиатан ҳамма одамлар бир хилдир. Фақат шароитгина уларни турли кўйга солади.

ЛИХТЕНБЕРГ.

Маслаҳатга қулоқ солмайдиган кишиларга ёрдам бериб бўлмайди.

ФРАНКЛИН.

Кишилар ўзлари хоҳлаган нарсага осонгина ишона қоладилар.

ЦЕЗАРЬ.

СПОРТ

● ФУТБОЛ. И. Тошмуҳамедов ва В. Шамсимуҳамедов тренерлик қилган Ўзбекистон ёшлар терма командаси Ашхоободдан ғалаба билан қайтди. Ҳамшаҳарларимиз тўрт ғалаба ва икки мағлубият билан турнирни якунладилар. Улар Туркманистоннинг «Ёшлик» спорт жамияти Совети таъсис этган мукофотни олиб қайтишди.

* * *

Лондондаги машҳур «Уэмбли» стадионида жаҳон чемпионлари — Англия терма командаси футболчилари Голландия командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Ўйин 0:0 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Инглизлар дарвозабони Бенкс командасини бир неча бор хавфли ҳолатлардан сақлаб қолди.

● ФИГУРАЛИ УЧИШ. Украина пойтахтида давом этаётган мамлакат чемпионатининг голиблари маълум бўлмоқда. Жуфт бўлиб учишда москвалик студентлар Ирина Роднина ва Алексей Уланов чемпион бўлишди. Иккинчи ўрин Л. Смирнова ва А. Сурайкнига тегди. Москвалик Г. Карелина ва Г. Проскурин учинчи мукофотли ўринни эгаллашди. Олимпиада чемпионлари Л. Белоусова билан О. Протопопов тўртинчи ўринда қолишди.

● ХОККЕЙ. Мамлакат чемпионлари —Москванинг «Спартак» хоккейчилари Марказий армия спорт клуби билан бўлган мусобақада 7:5 ҳисобида ғалаба қозондилар.

● ВОЛЕЙБОЛ. Тошкентнинг «Автомобилчи» волейбол командаси Совет Иттифоқи биринчилиги мусобақаларини муваффақиятли бошлади. Қизларимиз Донецкда ўтказилаётган биринчи давра ўйинларида иккита ғалабага эришдилар. Воронежнинг «Динамо» ва Свердловскнинг «Уралочка» командаларини бир хил — 3:2 ҳисобида енгдилар.

ТЕХНИКА ЯНГИЛИГИ

Белоруссия автомобиль заводи коллективи мамлакатда энг катта «БелАЗ-549В» машинасини ишлаб чиқара бошлади. Бу улкан машина двигатели 1200 от қувватига эга. Машинанинг умумий узунлиги 14 метр, кенглиги 5,3 метр, баландлиги 4,6 метр. Бу автопоезд 120 тонна юк билан соатига 50 километрдан ортиқ тезлик билан юра олади. Суратда: улкан автомобиль завод ҳовлисида.

П. Новаторов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 17/I да **Ойжамол**, 18/I да **Зулматдан зиё** (кундузи), **Корсар** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/I да **Бой ила хизматчи**, 18/I да **Олтинчи июль** (кундузи), **Парвона** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/I да, **Ёшликда берган кўнгил**, 18/I да **Паранжи сирлари**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/I да **Учинчи орзу**, 18/I да **Дийдор** (кундуз соат 4 да).

КИНО

Озод туғилган — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12,4 ва кеч 6 да) НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10.20, кундуз 12 да), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 ва 3 да).

Эр-хотиннинг уруши... (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Унинг қайлиғиман — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 ва кеч 10 да). «ЧАЙКА» (кундуз соат 2, кеч 8 ва 9 яримда(.

Балли ёшлар! — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 1 ярим ва 5 яримда).

Анжелика — фаришталар маликаси (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5.15 ва кеч 8.30 минутларда), НАВОИЙ номли (кундуз соат 1.40 ва кеч 7.40 минутларда).

Видолашув — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 4, кеч 6 ва 8 да).

Тундаги портлаш — «МОСКВА» (эрталаб соат 11.30, кундуз 3.30, кеч 7.30 ва 9.20 минутларда).

Эрамиздан миллион йил илгари — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кеч 7 да).

А. Навоий номли ўзбек Давлат Академик катта театрида 17 январь кеч соат 7 да

И. ҲАМРОЕВ

«ОЙЖАМОЛ»

(2 парда 6 кўринишли опера)

ПРЕМЬЕРАСИ

Э. ВОҲИДОВ либреттоси.
Дирижёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти Фазлитдин ШАМСУТДИНОВ.
Саҳналаштирувчи режиссер — Мансур САЪДУЛЛАЕВ.
Хормейстер — СУЛАЙМОН ШОДМОНОВ.
Рассом — Ўзбекистон ССР ҳалқ рассоми, Давлат мукофоти лауреати Мели МУСАЕВ.
Рақсларни СССР халқ артистиаси Давлат мукофоти лауреати Мукаррама ТУРҒУНБОЕВА саҳналаштирган.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ «МЕТАЛЛУРГЛАР» МАДАНИЯТ САРОЙИДА

19 январь кеч соат 7 яримда 4—6 СИНФ УҚУВЧИЛАРИ УЧУН 9-МУЗИКАЛИ АБОНЕМЕНТ БУЙИЧА

«Моцарт»

деган темада

Иккинчи концерт-лекция

Лектор — Полина РОЙТЕНБЕРГ.

Қатнашадилар: М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ ТОРЛИ КВАРТЕТИ

Республика коннкурсининг лауреатлари: Марлис ЮНУСХОНОВ, Юзева ВАСИЛЬЕВА, Владимир ЮДЕНИЧ;

Солистлар: Александр ЛЕУШКИН, Дина САВЕНКО,- Нина ТИТОВА, Анвар НАЗАРХОНОВ, Офелия ЮСУПОВА.

Билетлар «Металлургглар» маданият саройи кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

18 январь кундуз соат 2 да 4—6 СИНФ УҚУВЧИЛАРИ УЧУН 3-МУЗИКАЛИ АБОНЕМЕНТ БУЙИЧА

УЧИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ

«БЕТХОВЕН»

Лектор — Полина РОЙТЕНБЕРГ.

Қатнашадилар: БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КУРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЗОҲИД ҲАҚНАЗАРОВ

Солистлар: Марлис ЮНУСХОНОВ, Офелия ЮСУПОВА, Нина ТИТОВА, Дина САВЕНКО, Анвар НАЗАРХОНОВ ва Успенский номли 10 йиллик музика мактабининг ўқувчиси НИГОРА АҲМЕДОВА

Концертмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист МАРИАННА ШАБАДАШ

«ТАШСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

1 январда тугатилган

Ҳамма шиноятлар билан қурилиш корхоналари Бирлашган дирекциясининг тугатиш комитети: Тошкент шаҳар, Чимкент кўчаси, 17 уйга эълон чиққандан сўнг икки хафталиқ муддатда мурожаат қилинсин.

Октябрь район ошхоналар трести коллективи 9-ошхонанинг собиқ директори М. О. Орифхоновга акаси Носир ОРИФХОНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Г. 1561. ИНДЕКС — 64697 Р. 02157.